

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.FM/T.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

АЛИМОВ ШАМСИДДИН ПАХРИТДИНОВИЧ

**БАЛПАНТОҒ ВА ЯНГИ-ДАВОН КОНЛАРИДА МАЪДАН ТАБИИЙ
ТУРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖОЙЛАШИШ
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алимов Шамсиддин Пахритдинович

Балпантоғ ва Янги-Давон конларида маъдан табиий турларининг
шаклланиш хусусиятлари ва жойлашиш қонуниятлари 3

Алимов Шамсиддин Пахритдинович

Особенности формирования и закономерности размещения
природных типов руд месторождений Балпантау и Янги-Давон 23

Alimov Shamsiddin Pakhritdinovich

Formation features and distribution patterns of natural types of ore in
Western Uzbekistan's gold deposits (abstract) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.FM/T.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

АЛИМОВ ШАМСИДДИН ПАХРИТДИНОВИЧ

**БАЛПАНТОҒ ВА ЯНГИ-ДАВОН КОНЛАРИДА МАЪДАН ТАБИИЙ
ТУРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖОЙЛАШИШ
КОНУНИЯТЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва
разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/GM4 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Минерал ресурслар институти» Давлат корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар :	Цой Владимир Деньевич геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Конеев Рустам Исмаилович геология-минералогия фанлари доктори Ахунджанов Раҳмаджан геология-минералогия фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	“Ялпи геологик тасвирлаш-излаш экспедицияси” давлат корхонаси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.03.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси-2.Тел./факс: (998971) 227–10–32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч. 2. Тел: (998971) 226-46-00

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

К.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д. Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Х.А. Акбаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Геологик қидирув ишларининг жаҳон амалиётида эндоген маъданлашувнинг шаклланиш шароитлари ва жойлашиш қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Австралия, Канада, Россия, Америка Қўшма Штатлари каби мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, конларни геологик тадқиқ қилиш бўйича олинган маълумотлар, шу турдаги янги конларни топишда асосий қидириш мезонлари бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида маъданларнинг моддий таркиби ва геохимёвий хусусиятларини ўрганиш геологик тадқиқотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки турли маъданларда фойдали компонентларнинг тарқалиш хусусиятлари ва учраш шакллари аниқлаш, уларни бойитиш ва ажратиш бўйича самарали технологик схемаларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, маъданларнинг табиий турларини (МТТ) ажратиш, шаклланиш шароитларини ўрганиш, геологик-минералогик ва технологик хариталаш, маъданлашувнинг жойлашиш қонуниятларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, соҳа фани ва амалиётининг долзарб масалалари ҳисобланади ва уларнинг ечими топиш геологик қидирув ишлари самарадорлигини оширишни таъминлайди ва минерал-ҳомашёдан комплекс фойдаланиш имконини беради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач геология соҳасини ривожлантириш ва минерал-ҳомашё базасини кенгайтириш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўндан ортиқ янги олтин конлар аниқланди ва уларнинг аксарият қисми ҳозирги кунда кончилик корхоналари томонидан казиб олинмоқда. Шу билан биргаликда конларнинг салоҳиятини қайта баҳолаш, қимматбаҳо металлларнинг янги конларни излаб топишда юқори аниқликдаги замонавий ўлчов асбобларини геологик тадқиқотларга қўллашга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «стратегик аҳамиятга эга қаттиқ фойдали қазилмалар минерал-ҳомашё базасини янада кенгайтириш ва йўналтирилган геологик қидирув ишларини янада жадаллаштириш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан қимматбаҳо металл конларида маъданларнинг табиий турларини ажратиш ва моддий таркибини аниқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ- 3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқ келиши. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Томдитоғ ва Зиёвутдин тоғларида олтин маъданлашуви маълум даражада ўрганилган. Геологик, минералогик-геокимёвий, технологик ва бошқа алохида масалалар кўпгина монографияларда, ҳисоботларда, мақолаларда ёритиб берилган (Мурунтоғ, 1998; Ўзбекистонни маъданли конлари, 2001; Ғарбий Ўзбекистондаги олтин, вольфрам, темирни геологик – саноат турлари, жойлашиш шароитлари ва истиқболларини баҳолаш, 2014; Ўзбекистон Республикасида олтинни билишнинг эволюцияси, 2014; Қизилқумнинг олтин таркибли пишиқ маъданларини қайта ишлаб-ўзлаштириш назарияси ва амалиёти, 2014; Ўзбекистон олтин маъданли конлари маъданларининг табиий турлари, 2015 ва бошқалар). МТТларни намоён этиш ва уларни жойлашиш қонуниятлари кам ўрганилган, тадқиқот объектларида минералогик-технологик хариталаш эса умуман ўтказилмаган. Ўзбекистоннинг олтин маъданли конларида МТТ ва уларни муфассал минералогик-геокимёвий тавсифлари Минерал ресурслар институтининг (Ўзбекистон) охириги йиллардаги ҳисоботларида келтирилади. Олтин маъданлашувларнинг жойлашишларини геологик-структуравий шароитлари излаш ишларини бажаришда муҳим, бироқ ўрганилган объектларда ҳали махсус тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Баҳоланаётган Ўзбекистон олтин маъданли конларнинг қиёсий минералогик-геокимёвий тавсифлари» (2002-2005), «Баҳоланаётган Ўзбекистон олтин маъданли конларнинг маъдан хусусиятларини минералогик-геокимёвий ва кимёвий-технологик ўрганиш» (2005-2008), «Ғарбий Ўзбекистоннинг қадимий қатламларини маъдандорлигини ўрганиш» (2008-2012), «Ўзбекистонда ноанъанавий турдаги олтин конларни намоён бўлиш истиқболлари» (2008-2012) ва «Кейинги геология қидирув ишлари йўналишларини белгилаш учун Ўзбекистонни углеродли (қора сланецли, битум таркибли) қатламларни мажмуавий минералогик-геокимёвий ўрганиш ва баҳолаш» (2013-2015) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Балпантағ ва Янги-Давон олтин маъданли конлардаги маъданларнинг табиий турларини (МТТ), уларни минералогик-геокимёвий тавсифлари, жойлашиш қонуниятларини, шаклланиш шароитларини ва маъданларнинг технологик турларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Балпантағ ва Янги-Давон конлари маъданларининг моддий таркиблари бўйича маълумотларни умумлаштириш ва тизимлаштириш;

маъданларнинг табиий турларини ажратиш, уларнинг жойлашиш қонуниятларини ва моддий таркибини таҳлил қилиш;

олтин маъданлашуви жойлашишининг геологик-структуравий шароитларини аниқлаш;

Балпантоғ ва Янги-Давон конларининг ер ости тоғ-иншоотларида геологик-минералогик ва технологик хариталаш услубиятини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Балпантоғ (Шимолий Томдитоғ) ва Янги-Давон (Зиёвутдин маъданли майдони) олтин конлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Балпантоғ ва Янги-Давон конлари олтин маъданларининг табиий турлари, уларнинг кимёвий ва минерал таркиби, йўлдош компонентлар, жойлашиш қонуниятлари, шаклланиш шароитлари ва маъданларнинг технологик турлари.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажаришда юқори аниқликка эга бўлган замонавий таҳлил усуллари (рентген-микрозонди -Superprobe JXA-8800R ва масс-спектрометр - ICP MS) қўллаган ҳолда, лаборатория шароитида олинган маълумотларни назарий умумлаштириш, ҳамда математик статистика ва тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилишни ўз ичига олган услублар мажмуасидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Балпантоғ ва Янги-Давон конларида ажратилган МТТ маълум бир кимёвий ва минерал таркиблар, элемент-аралашмаларга эгаллиги ва бу Ғарбий Ўзбекистоннинг бошқа конлари учун ҳам типоморф эканлиги аниқланган;

олтин маъданлашувининг жойлашиш хусусиятлари, асосан, маъдан қамровчи жинсларнинг шаклланиш шароитлари, литологик таркиби, деформация хусусиятлари ва улар билан боғлиқ тектоник бузилишлар билан узвий боғлиқлиги исботланган;

илк бор олтин маъданлашуви шаклланишининг геологик-структуравий шароитлари, гидротермал, метасоматик ва гиперген жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятларига асосан олтин маъданли конлар учун МТТ шаклланиш схемаси ишлаб чиқилган;

маъданлар ва маъдан олди жинсларнинг жойлашиш хусусиятлари, улардаги метасоматик ўзгаришларни намоён бўлиш жадаллигини баҳолашга асосланган геологик-минералогик ва технологик хариталаш услубияти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: Балпантоғ ва Янги-Давон конларидаги аниқланган МТТлари, олтин маъданлашувининг минерал таркиби, структура ва текстураси, тарқалиш қонуниятлари «Метал ва нометал фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблашга оид материалларнинг таркиби, расмийлаштирилиши ва уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фойдали қазилмалар захиралари бўйича Давлат комиссиясига тақдим қилиш тартиби тўғрисида» йўриқноманинг 4-бандга мувофиқ «Фойдали қазилмаларнинг моддий таркиби ва технологик хоссалари»ни аниқлашда фойдаланилган.

Олинган натижалар Балпантоғ ва Янги-Давон конлари бўйича олтиннинг захираларини ҳисоблашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган минералогик ва геохимёвий изланишлар натижаларининг ишончлилиги Ўздавстандарнинг текширувидан ўтган, аттестацияланган лабораторияларда қайта тадқиқ қилиш орқали эришилган. Бундан ташқари, олтин бўйича таҳлилий натижалар тадқиқотнинг бир неча усуллари (гамма-активацион, атом-абсорбцион, намунавий) билан тасдиқланган. Бу эса ўз навбатида, олинган маълумотларнинг ва маъданлашув бўйича таклиф қилинаётган табиий турларининг ишончлилигини оширади.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - тадқиқ қилинган конларда маъданлашувнинг шаклланиш шароитларини ва жойлашиш қонуниятларини аниқлаш, МТТ ажратиш, уларнинг моддий таркибини ўрганиш натижалари ва ишлаб чиқилган МТТнинг шаклланиш шароитлари схемаси янги шу турдаги конларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - Ер ости тоғ иншоотларида минералогик-технологик хариталаш услубиятини қўллаш маъданнинг технологик турларини ажратишга имкон беради ва излаш-баҳолаш ишларини ўтказишда анча самарали ҳисобланади. Маъданларнинг табиий ва технологик турларининг ажратилиши, уларнинг минералогик таркиби ва фойдали компонентларнинг учраш шакллари ўрганиш натижаларидан уларни бойитишнинг ва ажратишнинг технологик схемаларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Балпантоғ ва Янги-Давон конларида олтин маъдан табиий турларининг шаклланиш хусусиятлари ва жойлашиш қонуниятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Балпантоғ олтин конида маъданларнинг моддий таркиби, минералогик ва геохимёвий хусусиятлари, уларда олтиннинг учраш шакллари юзасидан олинган тадқиқот натижалари «Қизилқум геология қидирув экспедицияси» давлат унитар корхонаси томонидан Балпантоғ олтин конида қидирув-баҳолаш ишлари жараёнида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2017 йил 11 сентябрдаги 04/03спр-сон маълумотномаси). Натижада Балпантоғ конида олтин маъданлашувнинг сифат кўрсаткичлари аниқланган, олтиннинг захирасини ҳисоблаш имконини берган.

Янги-Давон олтин конида маъданларнинг моддий таркиби, минералогик ва геохимёвий хусусиятлари, уларда олтиннинг учраш шакллари юзасидан олинган тадқиқот натижалари «Зарафшон геология қидирув экспедицияси» давлат унитар корхонаси томонидан Янги-Давон олтин конида қидирув-баҳолаш ишлари жараёнида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2017 йил 11 сентябрдаги 04/03спр-сон маълумотномаси). Натижада Янги-Давон конида олтин маъданлашувнинг сифат кўрсаткичлари аниқланган, олтиннинг захирасини ҳисоблаш имконини берган.

Балпантоғ ва Янги-Давон олтин конларидаги маъдан табиий турларининг шаклланиш хусусиятлари ва олтин маъданлашунинг жойлашиш қонуниятларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари «Геология қидирув ишлари бўйича Давлат дастури» доирасидаги «Ғарбий Ўзбекистоннинг қадимий қатламларини маъданлилигини ўрганиш» (2008-2012йй.) лойиҳа бажарилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2017 йил 11 сентябрдаги 04/03спр-сон маълумотномаси). Натижада Ғарбий Ўзбекистон конлари учун хос бўлган Марказий Қизилқум қадимий қатламларидаги олтин маъданлашувининг типик геолого-структуравий вазиятларини аниқлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий, конференция материалларида 13 та, жумладан, 4 таси хорижда.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, мақсад ва вазифалари асослаб берилади, объектлар ва предмети тавсифланади, ўтказилган ишларнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устивор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий нашрларнинг шарҳи берилган, илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён қилинди, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлари бўйича маълумотлар ва диссертациянинг тузулиши келтирилади.

Диссертацияни **“Балпантоғ ва Янги-Давон конларининг қисқача геологик тавсифи”** деб номланган биринчи бобида Балпантоғ ва Янги-Давон конларининг геологик тузилишлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Олтин маъданли Балпантоғ кони Марказий Қизилқумнинг Томдитоғ тоғларида жойлашган. Балпантоғ конининг геологик тузилишида косбулоқ свитасининг карбонатли (D_1-C_2) ва чўкинди-вулканоген жинслари (S_2), шунингдек кайнозой ётқизиклари иштирок этадилар. Конда энг йирик интрузив тана бўлиб Балпантоғ субвулкани ҳисобланади, у овал шаклга эга, ўлчамлари узун ўқи бўйича 900м, қисқа ўқи бўйича -400м.гача. Субвулканик ҳосилалар кенг тарқалган бўлиб, силл, дайка ва штоксимон тилимланиш ва думланишлар мўл бўлган мураккаб тизимни ҳосил қилади. Дайкаларнинг чўзилишлари

ғарбий ва шарқий ниҳояларида букилишлар билан субкенглик йўналишида, ётишлари тик, 70-80° дан то вертикалгача.

Янги-Давон олтин маъданли кони Зиёвутдин тоғларини шимолий ён бағирларида жойлашган. Янги-Давон кони Қорақўтон чуқур ёриғи зонасининг Қизбиби тармоғида жойлашган, қуйи девонга мансуб катармай свитасини учинчи (D_1kt_3) ва тўртинчи (D_1kt_4) ост свиталарининг метаморфлашган эффузив терриген ётқизикларидан тузилган бўлиб, биотитли, авфибол-биотитли гранодиорит-порфиритларининг диоритли, кварц-диоритли, диоритли порфиритлар, лампрофирларни дайкали таналаридан иборат.

Иккинчи “Балпантоғ ва Янги-Давон конлари маъданларининг табиий турлари” бобда олтиннинг МТТлари, геохимёвий хусусиятлари ва топилиш шакллари келтирилган. Маъданни табиий тури деб – маълум бир кимёвий ва минералогик таркибга эга бўлган, ҳамда ўзида бир ёки бир нечта махсулдор минерал ассоциацияларни мужассам этган, шунингдек фойдали компонентларнинг саноат қийматларидаги таркиблари билан тавсифланувчи тоғ жинслари турларига айтилади.

Балпантоғ конида учта МТТ ажратилган бўлиб, улардан биринчиси ўз навбатида жинсларнинг таркибларига қараб ост турларга бўлинади.

Биринчи МТТ қамровчи жинслар бўйлаб серицит-кварц-карбонат, серицит-карбонат таркибли метасоматитлар билан намоён бўлган. Биринчи МТТ учта ост турга бўлинади: 1) сульфидлар ва соф олтин мавжуд, кварцлашган метатерриген жинслар (кўмирли сланецлар, бластоалевро-псаммитлар); 2) сульфидлашган метаэффузивлар (андезит, андезибазальтлар); 3) кварцлашган, лимонитлашган апокарбонатлар. Ажратилган ост гуруҳлардаги метасоматитларнинг зоналликлари асосан олтин-сульфид-кварцли, карбонат-сульфид-кварцли минераллашувлар билан боғлиқ.

Томирли сульфид-кварцли минераллашувсиз бўлган кўмирли-слюдали-кварцли сланецларда олтиннинг миқдори 0,4 г/т, кумуш эса 2,1 г/т.дан кўп эмас. Сульфидларда олтиннинг миқдори 0,46-3,22 г/т (арсенопиритда 7,35-48,7 г/т); Fe гидрооксидларида - 3,2-27,2 г/т.

Олтин мавжуд сульфид-кварц таркибли томирчалар билан мураккаблашган метаалевропсаммитларда олтин миқдори 0,05-10,2 г/т ва кумуш 10,5 /т.гача.

Олтин таркибли жинсларнинг кимёвий таркиблари доимий эмас, %: SiO_2 – 44,5-76,5; TiO_2 – 0,1-0,75; Al_2O_3 – 5,4-16,5; Fe_2O_3 – 1,0-30; FeO – 0,36-2,56; MnO – 0,015-0,05; CaO – 1-4,54; MgO – 0-2,32; Na_2O – 0,39-4,76; K_2O – 0,67-3,31; P_2O_5 – 0,03-0,61; $S_{умум.}$ – 0,11-2,48; CO_2 – 0,22-3,96; SO_3 – 0,48гача.

Маъданларнинг минерал таркиблари қуйидагича, %: кварц – 18-75,6; альбит – 40; серицит – 4-28; хлорит – 1-16; кальцит – 2-13,9; каолинит – 0,3-9; пирит – 0,4-5,3; темир гидрооксиди – 32 гача. Қолган минералларнинг миқдори унча катта эмас.

Олтиннинг миқдори юқори бўлган жинслар мавжуд участкаларида доимий равишда, %: маргимуш – 0,6гача; рух – 0,001-0,03; қўрғошин – 0,004гача; мис – 0,004гача; никель – 0,003-0,01; кобальт – 0,003гача; ванадий – 0,001-0,04; хром – 0,002-0,06 иштирок этадилар. Аҳён-аҳёнда молибден, қалайи, галлий,

бериллий, иттрий, иттербий, скандий аниқланган. Деярли доимий равишда цирконий – 0,001-0,01; стронций – 0,3гача; барий – 0,4гача кузатилади.

Иккинчи МТТ – кварц-томирли, маъдан намоёнда кенг тарқалган ва олтинга махсулдор ҳисобланади. Кварц томирларида сульфидларни уячали тўпланишлари иштирок этадилар, улар орасида пирит билан ўсишган арсенопирит устиворлик қилади. Катаклазлашган, дарзлашган агрегатларида анча кечки бўлган сульфидлар – галенит, сфалерит тараккий этган, камроқ даражада - халькопирит. Доимий равишда, улар билан бирга электрум-кюстелит қаторидаги соф олтин кузатилади. Кварц-сульфидли томирларда олтиннинг таркиблари 0,1-10,8 г/т (ўртача 1,81 г/т), кумуш 0,8-16,8 г/т. Сульфидлар миқдори 5% дан бир оз кам. Олтиннинг асосий концентраторлари сульфидлар ҳисобланади.

Сульфид-кварцли томирларнинг кимёвий таркибларида SiO_2 етакчилик қилади, бундан ташқари Al_2O_3 , CaO , MgO , FeO , K_2O , Na_2O , CO_2 иштирок этадилар. Кварц миқдори 58,6%, бундан ташқари - кальцит 2%, альбит <5%, серицит 5-7%, хлорит 2%, пирит, арсенопирит, халькопирит, соф олтин, сфалерит, галенит аниқланган.

Олтин билан бирга учровчи асосий элементлар, %: As – 0,02-0,6; Cu – 0,001-0,01; Zn – <0,001-0,1; Pb – <0,001-0,02.

Учинчи МТТ – оксидланган, лимонитлашган карбонат уячалари, жинслар бўлаклари, оқлашган дала шпати бўлган кварц томирлари билан тақдим этилади. Ишқорланиш бўшлиқларида – соф олтиннинг қўшимчалари бўлган лимонит охраси мавжуд.

Кимёвий таркиби, %: SiO_2 – 77,2; TiO_2 – 0,4; Al_2O_3 – 10,2; Fe_2O_3 – 2,75; FeO – 1,12; MgO – 0,6; CaO – 1,12; Na_2O – 1,67; K_2O – 1,63; $\text{S}_{\text{умум.}}$ – 0,6; CO_2 – 0,9; SO_3 – 0,034, H_2O – 0,3.

Минерал таркиби, %: кварц – 58,6, Fe гидрооксидлари – 3; каолинит – 5; альбит – 14; серицит – 14; хлорит – 2; кальцит – 2; соф олтин – бир-икки белгида; пирит – бир-икки белгида.

Ушбу турда олтиннинг миқдори 0,2 дан 18,6 г/т.гача (ўртача - 2,97 г/т) ва кумуш 0 дан 5,63 г/т.гача оралиқларда ўзгариб туради. Соф олтин лимонит, скородит билан тўлдирилган доналарнинг контактидаги скородит тўпланган участкаларга мансуб.

Маъдандахамиша қуйидаги аралашмалар, %: Sb – 0,001-0,01; As – 0,01-0,3; Cu – 0,002-0,01; Zn – 0,001-0,02; Pb – <0,001-0,004 иштирок этадилар.

Рационал таҳлил натижасига кўра 91,6% олтин эркин ҳолатда ёки маъданли компонентлар билан ўсишмалар кўринишида бўлади (1-жадвал).

Коннинг маъдан таркиби 32та минерални ўз ичига олади. Пирит ва арсенопирит сезиларли тўпламлар ҳосил қиладилар. Минералларни бир қисми домимий равишда учрайдилар (халькопирит, пирротин, марказит), бироқ муҳим бўлган концентрацияларни ҳосил қилмайдилар.

Балпантоғнинг эндоген маъданларидаги *соф олтин* кварцда, темир гидрооксидларида, лимонитлашган карбонатда, пирит ва арсенопиритда микро- ва макроскопик ажратмалар ҳосил қилади.

Намуналарда тарқалишлари																					
Асл металлarnи топилиш шакллари вауларни маъданли компонентлар билан боғлиқлик тавсифлари		олтин		кумуш		олтин		кумуш		олтин		кумуш		олтин		кумуш					
		г/т	%	г/т	%	г/т	%	г/т	%	г/т	%	г/т	%	г/т	%	г/т	%				
		ТН-1				ТН-2				ТН-3				ТН-5				ТН-6			
Au ва Ag эркин ва маъданли компонентлар билан ўсишмалар кўринишида	0,48	44,5	2,94	75,4	0,05	20,0	2,07	79,6	1,88	65,7	1,92	76,8	1,42	91,6	1,72	81,9	1,4	26,3	2,7	71,1	
Au ва Ag кислотали эритувчи бирикмалар: оксидлар, Fe гидрооксидлар; карбонатлар билан ассоциялаган	0,2	18,5	0,56	19,3	0,07	28,0	0,23	8,86	0,22	7,7	0,28	11,2	0,04	2,6	0,18	8,6	0,5	9,0	1,1	28,9	
Au ва Ag пирит, арсенопиритда юка хол-холлашган	0,1	9,2	0,2	5,15	0,09	36,0	0,2	7,7	0,44	15,4	0,1	4,0	0,04	2,6	-	-	3,0	55,4	-	-	
Au ва Ag кислотали эритувчи минералларда (кварцда) юка хол-холлашган)	0,3	27,8	0,2	5,15	0,04	16,0	0,1	3,84	0,32	11,2	0,2	8,0	0,09	3,2	0,2	9,5	0,5	9,3	-	-	
Жаъми маъданда	1,08	100	3,9	100	0,25	100	2,6	100	2,86	100	2,5	100	1,55	100	2,1	100	5,4	100	3,8	100	

Макрокўринувчи соф олтин доломит, пирит, арсенопирит билан ўсишма ҳосил қилган ҳолда, кам учрайди. Олтин кўпинча юқа дисперс ва чангсимон бўлиб, дарзликларда, эрта сульфидларнинг доначалари контактларида жойлашган. Олтин халькопирит ва томирли масса билан бирга арсенопиритнинг майдаланган, брекчияланган доналарини цементлайди.

Олтин зарраларининг ўлчамлари 0,1 мм дан 0,001 мм.гача ва ундан камроқ. Олтиннинг софлик даражаси-паст ва нисбатан паст. Элемент-аралашмалардан: темир, никель, мис, хром, маргимуш, сурьмалар ўрнатилган.

Янги-Давон конида 3та МТТ ўрнатилган: 1) олтин минераллашувлари мавжуд бўлган, метасоматик ўзгарган терриген-вулканоген ҳосилалар; 2) кварцли-томирли қисман оксидланган ва 3) метасоматитлар бўйлаб оксидланган маъданлар.

Биринчи МТТ пирит, арсенопиритларнинг хол-хол қўшимталари бўлган андезибазальтлар, сланецлар бўйлаб метасоматитлар билан намоён бўлган. Кимёвий таркиби, %: SiO_2 – 66,5-68,0; TiO_2 – 0,65-0,85; Al_2O_3 – 12,6-12,7; Fe_2O_3 – 4,4-4,27; FeO – 1,01-1,37; MnO – 0,017-0,095; CaO – 0-1,2; Na_2O – 2,25-4,21; K_2O – 0,3-3,35; P_2O_5 – 0,05-0,13; $\text{S}_{\text{умум.}}$ – 2,04-3,15; CO_2 – 0,22-4,4; SO_3 – 0,13-0,15.

Тоза терриген жинслар (кўмирли-слюдали ва кварц-серицитли сланецлар) билан таққослаш бўйича метасоматитларда: Al_2O_3 , Fe_2O_3 ошган ва CaO , MnO , MgO камайган.

Қамровчи жинсларни минерал таркиби, %: кварц – 29-41,8; дала шпати – 19,0-35,6; серицит – 2,5-28,4; анкерит – 1,0-1,5; каолинит – 0-12, рутил – 0,6-0,8; пирит – 3,8-5,8; Fe гидрооксидлари – 4,5-4,7.

Терриген жинсларда олтиннинг миқдори 0-0,11 г/т, кумушнинг 0,6-5,4 г/т. Дайкаларда – Au 0-0,39 г/т, кумуш 0,8-5,0 г/т. Текстуравий-структуравий хусусиятлари яхши сақланган метаандезитлар, андезитли порфиритларда олтин миқдори 0-0,18 г/т; кумуш 0,3-4,9 г/т. Метасоматитларда олтин миқдори 0,47-49,0 г/т (ўрт. 13,05 г/т), кумуш 1,8-27,8 г/т (ўрт. 9,7 г/т).

Олтин кварцда, серицит-дала шпатли агрегатда эркин ҳолда бўлади.

Бирга йўлдош бўлувчи элементлар, %: Pb – 0,001-0,04 (64% намуналар), Zn – 0,006-0,03(96% намуналар), Cu – 0,001-0,04(100% намуналар), Sn – 0,001-0,002 (52% намуналар).

Иккинчи МТТ лимонитлашган метасоматитларни бўлакчалари, лимонитлашган карбонатнинг уячалари, пирит, соф олтин таркибли бўлган **кварц томирлари** билан намоён бўлган.

Кимёвий таркиби, %: SiO_2 – 89,5; TiO_2 – 0,27; Al_2O_3 – 2,0; Fe_2O_3 – 2,4; FeO – 0,94; MnO – 0; CaO – 1,0; MgO – 1,2; Na_2O – 0,33; K_2O – 0,5; P_2O_5 – 0,025; $\text{S}_{\text{умум.}}$ – 0,08; CO_2 – 0,11; SO_3 – 0,15.

Минерал таркиби, %: кварц – 87,5; серицит – 4,4; анкерит – 2,0; гипс – 0,3; рутил – 0,2; пирит – бир-икки белгида.; Fe гидрооксидлари – 2,7.

Олтин миқдори 0-34,0 г/т (ўрт. 1,28 г/т), кумуш 0,4-8,0 г/т (ўрт. 3,9 г/т).

Бирга учровчи элементлар, %: Pb – 0,001-0,08 (64% намуна), Zn – 0,006-0,2 (93% намуна), Cu – <0,001-0,2 (100% намуна), As – 0,02-0,2 (95% намуна), Ga – <0,001-0,004 (82% намуна), Sn – 0,001-0,002 (27% намуна).

Учинчи МТТ лимонитлаштирилган метасоматитлар билан намоён бўлган. Таркиби: лимонитлашган жинслар бўлакчалари бўлган кварц. Лимонитнинг охрасимон тўпламларида соф олтин эркин учрайди.

Кимёвий таркиби, %: SiO_2 – 67,7; TiO_2 – 0,75; Al_2O_3 – 13,0; Fe_2O_3 – 6,7; FeO – 0,72; MnO – 0, CaO – 0,66; MgO – 0,4; Na_2O – 3,97; K_2O – 1,81; P_2O_5 – 0,1; $S_{\text{умум.}}$ – 0,23; CO_2 – 0,44; SO_3 – 0,55.

Минерал таркиби, %: дала шпати – 33,5; кварц – 38,7; серицит – 15,5; лимонит – 7,2; пирит – 0,4; рутил – 0,7; эпидот – 2; хлорит, кальцит – 1. Олтиннинг миқдори 0-20,0 г/т (ўрт. 3,72г/т), кумуш 1,1-11,3 г/т (ўрт. 4,74 г/т).

Янги-Давон конидаги маъданлар таркиби 40га яқин минералларни ўз ичига олади. Асосий маъдан минераллари: пирит, арсенопирит, халькопирит, марказит, пирротин, хира маъдан, соф олтин, сфалерит, галенит, висмутин, магнетит, ковеллин, халькозин, скородит, гётит, гидрогётит, гематит.

Соф тугма олтин метасоматитларда, кварцда, жинсларни кварцлашган қолдиқларида, брекчиялашиш участкаларда учрайди. Олтин заррачаларнинг ўлчамлари 0,001 дав 0,075 мм.гача, шакли нуқтавий, овал, ксеноморфли, нуқтавий олтинчаларнинг уячали тўпланишлари (0,001 мм.) аниқланган. Олтин арсенопирит билан ўсишмалар ҳосил қилади, пирит, халькопирит, хира маъдан ва анча кечки Fe гидрооксидлари, миснинг иккиламчи сульфидлари ва бошқалар билан доимий ассоциацияда учрайди.

Рентгеноспектрал локал таҳлиллар натижалари бўйича соф олтиннинг таркиби: Au – 70,51-71,57%, Ag – 27,58-28,05%. Аралашма кўринишида темир – 0,5-0,7% аниқланган; асбобнинг сезувчанлик даражасида ва ундан пастда қуйидагилар ўрнатилган Ni, Cu, Se, Te.

Учинчи **“Балпантоғ ва Янги-Давон конларида минералогик-технологик хариталаш”** бобида минералогик-технологик хариталашни ишлаб чиқиш келтирилган. Тоғ иншоотларини технологик хариталаш услубияти қуйидагиларда жамланган. 20-сонли шахта +300м горизонти ва 43-сонли штольнянинг +550,23 м горизонти бўйича, камровчи жинслар, метасоматоз ва рудогенез билан боғлиқ бўлган асосий минераллашувларни (типоморф бўлган) намоён бўлишининг экстенсивлигини баҳолаш билан бирга, геологик-минералогик хариталаштириш ўтказилди. Бунда олтин маъданлашув жойлашиш қонуниятлари ҳақидаги мавжуд маълумотлар инобатга олинди. Типоморф минераллар орасида – кварц, карбонат, углеродли маҳсулот, серицит, хлорит, дала шпати, каолинит, темир гидрооксиди ва пирит кўрсатиб ўтилади.

Балпантоғ кони учун минераллашувнинг намоён бўлиш экстенсивлигини баҳолашда 3-баллик шкала ишлаб чиқилди: кучсиз намоён бўлган минераллашув – 1 баллда (0-10%), ўртачаси – 2 баллда (11-50%) ва кучли – 3 баллда (51-100%) баҳоланди.


Пиритлашиш учун шкала, Н.В.Петровскаянинг (1975) сульфидлилиқ даражасини инобатга олган ҳолда, қуйидагича танланди: 1 балл – 1-2%, 2 балл – 3-5%, 3 балл – 5% дан ортиқ.

Намуналаш натижаларини инобатга олиб, тадқиқ этилаётган участкаларда МТТлар ажратилди, улар бўйича кичик технологик намуналар олинди ҳамда

рационал тадқиқлар олиб борилди. Натижада Балпантоғ кони бўйича маъданнинг 4 технологик турлари (МТТ, маъдан нави) ва Янги-Давон бўйича 2 турлари ажратилди. Бунда эркин бўлган олтиннинг миқдори ва олтин ажратиби олиш орасидаги боғлиқликларга асосланилди.

Маъданнинг ушбу навлари технологик ўрганилган ва истиқболли ораликлардаги асосий минераллашув намоёнларининг балли баҳолашларининг ўхшашлигини инобатга олган ҳолда, бошқа участкаларга экстраполяция қилинди. Бундай ёндашувлар бир турдаги (бир хил навли) технологик шарт-шароитларни анча ишончли ажратишга имкон беради.

Иккита кон ҳудудлари учун 8 та минераллар бўйича хариталар тузилди (1 расмда Балпантоғ конидаги кварцлашиш бўйича хариталар келтирилган. Бу минераллар бўйича хариталарга МТТ шарт-шароитлари туширилди. МТТларни



1 – андезибазальтли формация – S_2 , қуйи, муҳим даражада терриген ва юқори, чўкинди-вулканоген субформация; 2 – субвулканик андезибазальтлар, туфлар, андезибазальт таркибли; 3 – карбонатли формация – D_1-C_2 , доломитлашган охактошлар; 4 – дайкалар, таркиби бўйича бўғимлаштирилмаган: лампрофирлар, диоритлар, бодомтошли порфиритлар; 5 – тектоник бузилишлар; 6 – жинсларни жадаллашган майдаланиш зоналари; 7 – маъдан таналари; 8 – 20-сонли шахта горизонти; 9 – кварцлашиш ареаллари – >3 балл; 10 – 2-3 балл; 11 – 0-1 балл; 12 – 1 маъданни технологик турлари (МТТ); 13 – 2 МТТ; 14 – 3 МТТ; 15 – 4 МТТ.

1 расм. Балпантоғ конидаги 20-сонли шахта +300м горизонтининг кварцлашиш ареаллари билан схематик геологик харитаси.

жойлашувларининг тахлили учта минераллар бўйича хариталар – углеродли маҳсулот, кварц ва пиритга кўра амалга оширилади.

Биринчи МТТ рационал тахлил маълумотлари бўйича олтиннинг миқдори 1,42 г/т ва 91,6% ажратиб олиш; кумушнининг миқдори эса 1,72 г/т ва ажратиб олиш 81,9% билан тавсифланади.

Биринчи МТТ 2-3 баллдаги кўмирлашиш, 2-3 баллдаги кварцлашиш, 2-3 баллдаги пиритлашиш ораликларидан олинган, қолган минераллар Балпантоғ учун кам маълумот берувчан. Шунга ўхшаш минералогик тавсифлардаги тоғ иншоотлари ораликлари биринчи МТТ сифатида тақдим этилади. Юқорида санаб ўтилган минералларни экстенсивлигининг даражалашишлари бўйича маъданли участкаларни тақсимланишлари 2-жадвалда тақдим этиган.

2-жадвал

Балпантоғ конидаги 20-сонли шахта бўйича маъданни хар хил технологик турлари учун минераллашувларни намоён этиш экстенсивлиги

МТТ	Маъданли участкаларни сони, дона, (%)								
	кўмирлашиш			кварцлашиш (кварц)			Пиритлашиш (пирит)		
	баллар			баллар			баллар		
	1	2	3	1	2	3	1	2	3
1		2 (25)	6 (75)		2 (25)	6 (75)		5 (71,4)	2 (28,6)
2	1 (11,1)	3 (33,3)	5 (55,6)		6 (66,7)	3 (33,3)		7 (87,5)	1 (12,5)
3	1 (5)	11 (55)	8 (40)	1 (4,2)	11 (45,8)	12 (50)	8 (38,1)	12 (57,1)	1 (4,8)
4		1 (20)	4 (80)		1 (20)	4 (80)		3 (60)	2 (40)

Шундай қилиб, қуйидагилар ўрнатилган: 1) Балпантоғ ва Янги-Давон конларида олтин маъданлашувлартурли даражада кўмирлашган, кварцлашган ва пиритлашган жинслар билан боғлиқ;

2) Янги-Давон конида олтин маъданларини кам сульфидли тури мавжуд; 3) Ишлаб чиқилган МТТ ажратишлар билан, минералогик-технологик хариталаш усули самарали ҳисобланади ва олтин маъданли ва бошқа конлардаги излаш ишларида ундан фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи “**Балпантоғ ва Янги-Давон конларида маъданларни табиий турларини шаклланиш хусусиятлари ва жойлашиш қонуниятлари**” бобида, ўрганилган конларидаги олтин маъданлашувларни шаклланиш омиллари келтирилган.


Балпантоғ конининг олтин маъданлашувлари Марказий Қизилқумдаги қора сланецли қалин қатламлардаги маълум конлардан фарқ қилувчи бир қатор белгилари билан тавсифланади.

Балпантоғнинг генезиси, баъзи тадиқиқотчиларнинг фикри бўйича – вулканоген-гидротермал, бошқалариникига кўра – гидротермал. Биз иккинчи нуқатаи-назарни қўллаб қувватлаймиз. Чунки, кузатувларимиз кўрсатадики, дайкалар олтин маъданлашувига яқин-бир вақтда ҳосил бўлган. Бу хулосани замирида нафақат геологик ўзаро муносабатлар, балки Балпантоғ конидаги муфассал минералогик тадқиқотлари натижалари, шунингдек 285,5±1,7 млн. йилни ташкил этувчи Re-Os-He изотопик маълумотлари бўйича Мурунтоғ арсенопиритининг изотопик тадқиқотлари натижалар ҳам ётади (Р.Морелли ва

б., 2007). Яъни Мурунтоғдаги асосий, олтинга махсусдор пирит-арсенопиритли парагенетик минерал ассоциациянинг ёши - P_1 .

СГ (ўта чуқур) - 10 кудукдаги гранитлар $287,2 \pm 3,9$ млн. йил, сиенодиорит порфиритлар $285,4 \pm 5,1$ млн. ва $284,4 \pm 1,9$ млн. йил, адамеллитлар $286,2 \pm 1,8$ млн. ёшга эга (Ю.А.Костицинга кўра 1993). Магматик ҳосилаларни ва Мурунтоғнинг арсенопиритларини саналаштириш ишлари, уларни ёшини яқинлигини кўрсатади, ва бу уларни генетик жиҳатдан боғлиқликларини кўрсатади.

Арсенопирит Балпантоғдаги асосий маъдан минерали бўлиб ҳисобланади ва унда соф олтин жойлашган (2 расм). Мурунтоғ Балпантоғдан жануброқда



Аншлиф Т-411-д, $380\times$ кат, николи II. 1 – арсенопирит, 2 – электрум, 3 – кварц.

2 расм. Сульфидли-кварцли томирдан олинган арсенопиритдаги электрум.

жойлашган бўлиб, унда пирит-арсенопиритли парагенетик минерал ассоциацияси билан боғлиқ бўлган арсенопиритни саналаштириш натижаларини ҳам қўлласа бўлади, яъни маъданлашув ёши дайқалар ёшига яқин.

Балпантоғ конидаги олтин маъданлашувининг жойлашиш қонуниятлари.

Балпантоғ конидаги маъдан шаклланишларида структуравий, литологик ва магматик омиллар ва белгилар муҳим ролни ўйнайдилар. Томдибулоқ-

Балпантоғ маъдан майдонларида

субвулканик таналарнинг жойлашишлари жанубдаги регионал тавсифли, тик ётувчи Широтний ёриғи билан назоратланади ва бу ёриқ карбон-перм маматизмини намоён бўлишида магма назоратловчи бўлиб хизмат қилади.

Коннинг геологик-структуравий хусусиятлари, ёриқлар кинематикаси, дайқаларнинг чўзилишлари, маъдан уюмлари бўйича маълумотларнинг таҳлиллари, Балпантоғ конида деформацияни иккита плани бўлгани ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради: 1) вулканик структураларни ташкил этувчи жинсларнинг кенглик йўналишларида чўзилишлари билан шартлашган ва ёриқларни кинематик ўзаро муносабатларида сакланиб қолган лавҳалари билан тасдиқланган - **субмеридионал**; 2) узилиш структураларидаги субкенглик дайқалар ва маъданли зоналарни шаклланишлари билан боғлиқ –**субкенглик**.

